


O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI

# BIZNES VA TADBIRKORLIK OLIY MAKTABI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
**BIZNES VA TADBIRKORLIK OLIY MAKTABI**

# ННТ ларнинг Ҳалқаро грант танловида иштироки




*Грант танловларига ариза ёзишда тавсиялар*
*ЎЗННТ МА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ХБ РАҲБАРИ*
*Камалова Н.М*
*2026 йил*

# Ҳукукий асос
## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 04.10.2023 йилдаги 527-сон

Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ижтимоий фойдали дастурлар ва лойиҳалар амалга оширилишида ижтимоий шериклик ҳамда халқаро ҳамкорликни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Лойиҳалар — ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштирилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириладиган чора-тадбирлар (дастурлар);

Рўйхатдан ўтказувчи орган — нодавлат нотижорат ташкилотини қонунчиликка мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари;

Ташқи манбалар — чет эл давлатлари, халқаро ва чет эл ташкилотлари, чет эл давлатларининг фуқаролари ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслар.

## *Лойиҳа қисмларинг ўзаро таьсири:*

*1.Муаммо*

*2.Мақсад*

*3.Мақсадлар ва аниқ натижалар*

*4.Лойиҳа доирасида тадбирлар*

*5.Ресурслар*


Актед
БМТ ТД
Хорижий фондлар
Грант (танлов)
Элчихоналар кичик грантлари
Халкаро бизнес ташкилотлар


Халқаро дастурларнинг, фондларнинг ННТлар ривожланишидаги ўрни
Ҳодимлар қабул қилиш стратегияси
Салоҳият
Тажриба
Билим
Муаммо ечими
Харидлар шаффофлиги

# «Лойиҳа» тушунчаси

***Лойиҳа*** *– донор,(фонд, корпорация, давлат органлари ёки жисмоний шахс) томонидан нотижорат ташкилоти ёки жисмоний шахсга муайян ишни бажариш учун, одатда танлов асосида бепул бериладиган маблағлар.*



# *Калит сўзлар:*

Мақсадли маблағлар: фақатгина олдиндан келишилган мақсадларга сарфланиши мумкин

Грантлар кайтарилмайди аммо назоратга олинади.

**ДИҚҚАТ, ХАТО!**
Грантлар максадсиз ишлатилса, маблаглар кайтарилади

# Лойиҳа учун ариза!

Бу лойиҳа берувчи томонидан талаб қилинган вақт оралиғида маълум мақсад ва вазифаларга эришиш режасини тавсифловчи ҳужжатдир".

Лойиҳа учун ариза – бу белгиланган мақсадларга эришиш, маълум бир натижага олиб келадиган тадбирлар ва вазифаларни бажаришга қаратилган фаолиятнинг ҳар қандай турини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича сўров/таклифдир.

Бундай натижаларни у ёки бу турдаги якуний маҳсулот,кўрсатилган хизматлар, имтиёзлар ва ҳ.к сифатида тавсифлаш мумкин.

***Халқаро грантлар бўйича лойиҳа ёзиш учун қуйидаги қадамларни бажаришингиз мумкин:***

***Лойиҳа ғоясини аниқлаш***

***Мақсад ва вазифалар: Лойиҳанинг асосий мақсадини ва унга эришиш учун бажарилиши керак бўлган вазифаларни аниқлаш.***

***Аҳамиятлилик: Лойиҳа жамият учун қандай аҳамиятга эга эканлигини тушунтириш.***

# Лойиҳа режасини тайёрлаш

***Фаолиятлар режаси:*** *Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган фаолиятларнинг тўлиқ рўйхатини тайёрлаш.*

***Муддатлар:*** *Ҳар бир фаолиятнинг бажарилиш муддатларини белгилаш.*

# Молиявий режа

Бюджет: Лойиҳа учун зарур бўлган маблағларнинг тўлиқ рўйхатини тайёрлаш.

Молиявий манбалар: Грант маблағлари қандай сарфланиши ҳақида аниқ маълумот бериш.

# Лойиҳа жамоаси

Жамоа аъзолари: Лойиҳани амалга оширишда иштирок этадиган жамоа аъзоларини танлаш ва уларнинг вазифаларини белгилаш.

Малака ва тажриба: Жамоа аъзоларининг малака ва тажрибаси ҳақида маълумот бериш.

# Лойиҳа натижалари

**Кутилган натижалар:** Лойиҳа тугаганидан кейин қандай натижаларга эришилишини аниқлаш.

**Натижаларни баҳолаш:** Лойиҳа натижаларини баҳолаш учун қандай усуллар қўлланилишини белгилаш

***Лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш***

Лойиҳа тавсифи: Лойиҳанинг тўлиқ тавсифини ёзиш.

Қўшимча ҳужжатлар: Лойиҳага тегишли барча қўшимча ҳужжатларни тайёрлаш.

# *Лойиҳани тақдим этиш*

Тақдимот: Лойиҳани грант берувчи ташкилотга тақдим этиш учун тайёрлаш.

Сўровнома ва аризалар: Грант сўровномаси ва аризаларини тўлдириш.

# Танловда иштирок этишдаги чекловлар:

***Диний бирлашмалар ва сиёсий жамоат бирлашмаларига халқаро ижтимоий лойиҳалар берилмайди.***



# *Амалий машғулот: "Халқаро донорга грант аризасини концептуал лойиҳалаш*

"Мақсад: Халқаро донорлар талаб қиладиган 4 та асосий бўлимни (Problem, LogFrame, Sustainability, Budget) профессионал даражада ишлаб чиқиш кўникмасини шакллантириш.





# Эътиборингиз учун раҳмат

**Камалова Назифа Мирзалиевна**

**ЎзННТМА Жиззах вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари**

+99891 564 81 81

djizzak2018@gmail.com

E'TIBORINGIZUCHUN RAHMAT !




**Kontakt ma'lumotlari:**

Email: info@gsbe.uz
Veb sayt: www.gsbe.uz
Adres: Mirobod tumani, Mirobod ko'chasi, 25
100060, Toshkent, O'zbekiston